

1991 йил 21 НОЯБРЬ 14 (14)-СОН  
БАҲОСИ 15 ТИЙИН

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЕТТИ КУН

### Хат

**ҚАНИ?  
ҚАНИ?  
ҚАНИ?**

Кўпинча шундай манзаранинг гувоҳи бўламиз. Никоҳдан ўтган келин-куёв қатор машиналарга ўтириб, шаҳар бўйлаб сайр қилишади. Унинг диққатга сазовор жойларида қизнинг дўгоналари, йиғитнинг дўстлари давра бўлишиб суратга тушишади. Баъзи ҳайкалларнинг тагига гул қўйишади. Тунов кунни ҳам пойтахтимиз марказидаги Юрий Гагарин ҳайкали пойида ўнга яқин машина турганлигини кўрдим. Келин-куёв ҳайкал пойига гул қўймоқдалар. Шунинг лозим топишибдим, майли, эътирозим йўқ. Лекин бу ишни қилишдан олдин

улар марҳум ота-боболари, моллари қабрини бориб зиёрат қилишса, қандай яхши бўларди.

Афсуски, ҳали бирорта келин-куёвнинг пок ният билан қабристонга зиёратга борганини кўрганам, эшитганим йўқ. Аксинча, никоҳни қайд этиш бўлимида қадаҳ уриштиришгач, шаҳардаги маълум ва номаълум кишиларнинг ҳайкалга гул қўйиш билан оворалар. Наҳотки шунчалар ғурурсиз авлод тарбиялаётган бўлсак!..

Яраш ЖУМАБОЙ,  
тижоратчи

### КИБОРЛАР ҲАЁТИДАН

Тошкентлик академик жаноб Соибхон Нейматов билан Саудия Арабистонда яшовчи юртдошимиз жаноб Зухриддин Мирзаобид Туркистоний қуда бўлдилар. Нодирахон арабистонлик Жамолдиннинг турмушга чиқди.

### ТАППИДАН ҚУТИЛИШДИ

Оқмачит ва Янгиҳаёт қишлоқлари (Ўзбекистон тумани) аҳли таппи, ўтин-кўмир ташвишидан бироз қўтиладиган бўлди. Бу қишлоқларга табиий газ келди.

### ҲАМ ТЕКИН, ҲАМ АРЗОН

Чироқчи туманидаги «Кўкдала» қишлоғида яшовчи тўй қилувчиларга совхоз бошқаруви қарори билан 100 кило ун текин берилмоқда. Тўй кўпқарили бўлса, 300 кило арпа ҳам арзон нархда сотилмоқда.

### ЧИРОҚНИ БЕҲУДА ЁҚМАНГ!

«Узэлектронадзор» идораси сизни тежамкорликка чақиради. Танқислик навабати электр қувватига ҳам етди. Корхоналар электр истеъмолини 15 фоизга камайтириши шарт.

### ЎҒРИЛАР ДИҚҚАТИГА

Анджондаги электроаппарат заводи жамоаси Сизга қарши юриш бошлади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган махсус қурилмалар машина эгасини қароқчиликдан ўз вақтида огоҳлантиради.

### ЭНГ ГАВЖУМ БОЗОР ҚАЕРДА!

Биласизми! Тошкент отчопарида! Эски жувада! Учқўрғонда! Йўқ, тополмадингиз. Талабалар ётоқхоналарида! Бунда савдо кечаю кундуз давом этади. Хоҳласангиз машина ҳам харид қилишингиз мумкин. Мухтожлик илм истаб келган ёшларни шу ҳолга солмоқда.

### ВА БИР ШИНГИЛ МАСЛАҲАТ

Кунлар совиб қолди. Қуруқ терили кишиларнинг сочи кепаклай бошлади. Сочингизни қизил лавлагининг шарбатига ювинг. Қўтиласиз.

## МАСЛАҲАТ

Рўзгоримизда озиқ-овқатимизга ишлатиладиган картошка қандай хусусиятларга эга эканлигини биласизми? Агар хабарингиз бўлмаса, биз сизга ёрдам берамиз.

Картошка қизариб пишин десангиз, қовурилаётган пиезга туз сепинг. Иштаҳа очар бўлсин десангиз, уни қовуришдан олдин озгина ун сепинг.

Бирор жойингиз беҳосдан куйиб қолса, оғриқни тўхтатиш ва нуфусчалар пайдо бўлмаслиги учун паррақланган ёки қирғичдан ўтказилган картошкadan яхши дори йўқ.

Жигилдонингиз қайнаса, картошкани ўшт қиймалагичдан ўтказиб, сувдан икки-уч қошиқча ичинг.

## КАРТОШКА...

Булардан ташқари, картошкadan...

Кийимни крахмаллаш востисини топишда қийналсангиз табиий крахмал — картошкadan фойдалансангиз ҳам бўлади. Бунинг учун уни куйидагича тайёрлайсиз: 3-4 та картошканинг пўстини арчиб, сувда ювинг. Сўнг қирғичдан ўтказиб, идишга солинг. Совуқ сувда бир неча марта чайинг. Ҳар қалги чайишда картошка қириндиси тиндирилади, кейин сувни тўкиб, ҳосил бўлган крахмални қуритасиз. Крахмални совуқ сувга қўшиб аралаштиринг. Оловга қўйиб кавлаб туринг. Сувоқлик бир-икки минут қайнаб чиққандан сўнг уни оласиз. Елимшак ҳосил бўлади. Кирни ювиб сувда чаясиз. Сўнг тоғорадаги сувга тайёрлаган крахмалингизни соласиз. Ва унга кирларни бирма-бир ботириб оласиз. Бу юмларни шаклга солиб, иссиқ жойда қуритасиз. Қуригач сув пуркаб дазмолланади.

Барно БОТИР қиз  
тўплади



АЛЛА БОЛАМ...

Ҳозир комбинатда ўртача ойлик 750 сўм. Бунга энди рағбатлантирувчи ҳамда мукофот тарзида берилмаётган пулларни қўшсангиз, комбинатдаги ишчи оилаларнинг фаровонлиги бирмунча таъминланмоқда, деб, ўйлаш мумкин.

Мухбиримиз Урол УЗБЕК Сирдарё дон маҳсулотлари комбинати директори Асқар Оллоберганов билан шулар тўғрисида суҳбатлашди.

— Кўнгилингиз бўлиниши, оиладан кўра кўпроқ ишхонага вақт сарфлаш, заифангизни ташвишлантирмайдими?

— Ташвишлантиради. Хотинимнинг ҳам, болаларимнинг ҳам тилаги кўпроқ уйда, оила бағрида бўлишим. Бироқ, то ҳануз бунинг иложи бўлмапти. Рафиқам, Саидахон, буни яхши тушунади.

— Демак, севиб уйлангансиз!

Асқар ака кулади.

— Асқар ака, севги сирингиздан бир шингил...

— Сир томонларини айтмайман, шарт эмас... Аммо, Саидахон билан Гулистон шаҳридаги Ҳамза номли 4-мактабда бирга ўқиганимизни, тўйимиз 1982 йил 2 октябрь кунини, мен ҳарбий йиғиндан келгач бўлга-

нини айтишим мумкин. Ушанда «сбор»га бормай кўювдим. Йўқ, Саидахонни яхши кўрганлигим учунгина эмас, моддий аҳволим чатоқлигидан бормовдим. Отам қазо қилган, акаларим (икки акам, уч опам бор) ўқишда, ҳарбийда. Бинобарин, онамни ва янги оилани боқиш менинг зиммамга тушганди. Қолаверса, тўй учун олинган қарзлардан қутулишим лозим эди. Ушан-

## УН КЎПАЯДИ

да Тошкент Политехника олийгоҳининг кимё-технология факультетида ўқир эдим.

— Ҳозир моддий таъминотингиз қандай? Қанча маош оласиз!

— 870 сўм маош, мукофотлар билан қўшиб ҳисобласак, ойига 2 минг сўмгача оляпман.

— Рафиқангиз-чи!

— Рафиқам Гулистондаги ремонт-механика заводидан иқтисодчи бўлиб

ишлайди. Маоши 400 сўм атрофида.

— Демак, турмушингиз фаровон!

— Худого шукур.

— Художўймисиз!

— Диллима яратганга ихлос, ҳурмат тобора ортиб борапти. Афсуски, ишларнинг кўплиги динимиз фарзларини бажариш имконини бермаптир. Бироқ, энг кичик ўғлим Абдурашидхонни батамом шу йўлда тарбияламоқчимиз, аниқроғи, шу йўлнинг ўзи уни тарбиялар, деган умиддамыз. Зеро, онам — Тиллахон Шамсуддинова (шоир Ҳамза билан бирга муаллимлик қилган) ҳам, раҳматли отам Мустафобек ҳам художўй, «эскич»дан саводли бўлганлар.

— Қандай ниятлар билан яшайсиз!

— Шукрки, оилам тинч, ўғилларим бағримда. Меҳрибон онам ҳаётлар. Дўстларим бор. Шулар сабаб шекилли, ишлаб чарчамайман. Ниятим — ишчиларимиз фаровонлигини ошириш, ойлик маошини, жиллакурса, минг сўмга етказиш. Уларнинг қашшоқлик қил кўпригидан эсон омон ўтишларида озим-кўпми ҳисса қўйиш. Ун ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш. Ун каби эланиб ётган халқимиз тезроқ нонга ёлчиб, уни (ўктам овози) чиқиб қолса.

ХАЁТ БЕШАҒҚАТ. У кимгадир шакар, кимгадир заҳар берган. Кимгадир бахт, кимнидир шу бир парча бахтдан ҳам бенасіб қилган. Кимнидир юлувчи, кимнидир юлдирувчи қилиб қўйган. Эҳтимол, биз буни «турмуш» деганимиз тўғрироқдир. Балки шу турмуш ташвишлари бўлмаганда, ҳамма тенг, имон-этиқодли бўлармиди. Ҳаммамизнинг қалбимизни ларзага солаётган бугунги иқтисодий танқисликнинг асосий манфур юки меҳнаткаш халқни кундан-кун букиб қўймоқда. Кўп жиҳатдан бу тангликка ўзимиз омили бўлаётганлигимиз кўпчилигимизга маълум эмас, албатта. Чунки, оддий бир мисол, халқ дилидаги ҳақсизликка нисбатан исён ҳисси, ёлгонга қарши кураш эҳтиёжи аллақачон синган, очкироғи, синдиришган. Қачонки, ўша сўнган исён кўз очар экан, биз бугунги иқтисодий, моддий-маданий қашшоқликдан кутилишимиз мумкин. Ҳозир эса ўша янги мевасини тановул қилишимиз ва эҳтимол шу сабабдир, бу тангликдан чиқиб олиш қараёни жуда оғир кечмоқда. Давримизнинг танглик ҳукми фақат манфаат топишга жазм қилган соноқли одамларнигина ошиғини олчи қилиб юборди. Бу беъмнат саҳоватли халқнинг насибасини қайси соҳага назар ташламанг юлаётганининг, талаётганининг гувоҳи бўласиз. Соат сайин товусдек

товланиб турган нарх-навоми ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди. Албатта, бу — нуфузли кишиларнинг томошбинлиги ёки улар ҳам бу олаётган замондан ўз шахсий манфаати йўлида фойда кўриб қолиш наздида елиб-югуриб юришганлигидандир. Бундан бир неча ой муқаддам Челақ шаҳрида (Самарқанд) «Саховат» савдоси бўлиб ўтганди. Пештахталарда турган қанд, шакар, новот-

ҳозир» деганлари шу бўлса керак-да. Деҳқонларимизнинг қашшоқ турмуш тарзи хусусида кўплаб яхши гаплар бўляпти, аммо амалда бирор шай қилинмаса ҳавойи гаплар билан халқ тўқ, ҳаёт фаровон бўлиб қолмас экан, яъни ҳамон эски тос — эски ҳаммом. Деҳқонларимизнинг оғир меҳнати эвазига топилган меҳнат ҳақини тўлиқ чиқариб беришини ҳам баъзи бир ўртоқлар истамайдилар. Карл

кўнгилдагидек истеъмол қилишолмайди, чироқ тез-тез ўчиб туради, ёнган тақдирда ҳам кечга бориб шамчироққа айланиб қолади. Шу ерлик халқ бир неча марта ўз жамғармаси ҳисобидан сарфлашиб чироқ ёқтиришга, кран ўтказишга ҳаракат қилишди, аммо ҳалигача бу аниқ бир самарасини берганича йўқ. Ҳамир учидан патир, деганларидек, трансформатор ўтказишга туман марказидан одам келди, аммо бу иш ҳалигача ўлда-жўлда ётибди. Халқнинг маънавий-маданий фаровонлигини оширишга хизмат қилаётган «хизматчи» номи билан амал курсида ўтирган мутасаддилар нима ишлар билан банд, буни фақат уларнинг ўзлари билишди.

Мана, жумҳуриятимиз мустақиллиқни ҳам эълон қилди. Қайта қуришдан фақат нималарнидир кутиб яшаганлигимиз етмагандек, мустақилликдан ҳам нималарнидир кутиб яшаймиз. Бугун фаровон турмушга эришишимиз ҳам, янада қашшоқлашишимиз ҳам ўз қўлимизда. Тўкин-сочин, тинч-тотувликка етишмоқлик учун ҳамма бир жон, бир тан бўлиб курашмоғи ҳамда юракдан ҳис этиб меҳнат қилмоғи лозим. Давр курсатяптики, яхши яшаш учун фақат меҳнат қилиш эмас, курашишни ҳам, билишни талаб қилар экан.

Шовқидин БАҲРИ Самарқанд

## КУРАШ ЭҲТИЁЖИ

ларни кўриб қувончдан терингизга сиғмай кетасиз. Негани булар нисбатан жуда паст нархда эди. Аммо буларни фақат кўргазмагина чиқаришган, ўша кунни ҳеч кимга сотилмаганди. Ушбу бўлиб ўтган аччиқ манзарани амал курсида ўтирган мутасадди кишилар кўришмадимикан ёки кўз юмишдимми, бу ҳеч кимга аён эмас. Бугун давримиз бизга шунга ўхшаш жуда кўп нарсаларни оддий ҳаётий ҳодисага айлантириб қўйди. Яшириб, ошириб сотасизми, юлиб-ўриб қоласизми бари кўз олдимизда очикчасига бўлиб ўтмоқда. «Уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда

Марк колхозининг (Челақ тумани) деҳқонлари ўз меҳнати ҳақини ундирга олмай югуриб юришганлигининг кўп марта гувоҳи бўлганман. Қарерга бош урса халқнинг насибасини қийиб қолаётганлиги етмагандек, меҳнат ҳақини ҳар юз сўмдан бир сўмини юлиб қолаётганларини айтмайсизми. Урта ҳисобда кассир олиб қолаётган ўша пуллар ойига тўрт минг сўм бўлар экан. Деҳқон тўрт минг сўм даромад қилиши учун бир неча йил меҳнат қилишига тўғри келади. Шу колхознинг Чапарашли қишлоғи аъзолари бир неча йиллардан буён ичимлик сувини



ГАДО БИЛАН СУҲБАТ

## «ГАНЖАСИ БОРУ БАРАКАСИ ЙЎҚ»

Тахририятдан гадо — тиланчи билан суҳбатлашиш топшириғини олгач, шаҳар кездим. Чорсуга, Бешёғча, вокзалларга бордим. Тиланчиларни гапга солимоқчи бўлдим. Мухбирлигимни эшитиб, ҳаммаси тескари ўгирилиб қочишади. Ниҳоят, тарвузим қўлтигимдан тушиб келаётган эдим, Алишер Навоий номидаги метро бекатига кираверишда, мармар зинада ўтирган мўйсавидга кўзим тушди. У менинг тикилиб келаётганимни кўриб, қўлини дуога очди:

— Ҳайр қилинг, ўғлим!.. Сафарингиз бехатар бўлсин!

Чўнтагимдан уч сўм чиқардим.

— Бир-иккита саволим бор!

У шоша-пиша рози бўлди.

— Тўғриси айтинг, амаки, қандай қилиб бу ҳолга тушиб қолдингиз!

Суҳбатдошим менга анграйиб қаради.

Сўнг:

— Нима ишинг бор! — деди. Юзига совуқлик югурди. Мен пулни шитирладим. У сал «юмшади».

— Мухбирман, — дедим, — ёзишим керак.

Хуллас, бир амаллар келишдик.

— Гадоликни ўз ихтиёрим билан танлабманми. Ҳаёт мажбур қилди. Мажбур бўлганимдан сўнг юзингни қаттиқ қилиб олаверсан-да.

— Бола-чақа, кампирингиз борми!

— Бор. Хотиним ҳам тиланчи. Бола-чақам? Қизларим уйли-жойли бўлиб кетишган.

— Ҳар кунни қанча пул топасиз!

— Бир амаллаб кун кечирингиз етди.

«Ганжаси бору баракаси йўқ», деган гапни эшитмаганмисиз... Ҳа, саволинг туғадими?

— Пенсия оласизми!

— Йўқ. Давлатнинг садақасига зор эмасман.

— Мелисалар, одамлар бу ишингизга қаршлик қилишмаяптими!

— Илгари мелисалар тинчлик бермасди. Ҳозир унчалик эмас.

— Одамлар қайси кунлари кўп садақа беришади!

— Ойлик олган кунлари. Ешлар камроқ, кексалар кўпроқ садақа беришади.

— Ўзингиз ҳам садақа бериб тура-

сизми!

— Албатта-да. Кеча Эски жувадаги бозорнинг олдида бир кўр тиланчининг қўлига танга ташлаб ўтдим... Бўлди. Мени ишдан қодирдинг. Берадиганингни бер.

— Исм-шарифингизни айтсангиз!

— Айтмайман. Менинг ҳам дўст-душманам бор.

— Охири савол: Сиз Тошкентнинг исталган жойида садақа сўрай оласизми!

— Йўқ, ўзимнинг чегарам бор. Чиколмайман. Айтдим-ку, дўст-душманам бор, деб.

— Унда «катталар»нингизга солиқ ҳам тўлаб тураркансиз-да!

— Бу саволингга ўн сўм берсанг ҳам жавоб ололмайсан.

Мен уч сўмини бериб, ундан узоқлашдим.

Зокир ХУДОЙШУКУР



Тандирдан нон узаётган онахонга, унинг ёнидаги қизига (балки келинидир) яхшироқ раэм солинг. Содда, самимий ҳечралар. Бундай аёлларимиз ўз тақдирларидан нолишмайди. Уларга қараб, нега ҳам нолишсин, баҳаво жойларда яшашса, дерсиз. Ҳа, баҳаво жойлар. Дала, қолаверса, дов-даррахт соясининг ҳам ўзгача гаши бор. Йўл ёқасидаги ариқчалардан шилдираб сув оқмоқда.

Йўқ, бу бир хаёл. Энди марҳамат қилиб йўлнинг, ариқчанинг нариги тарафига кўз ташланг; экинзорга ўхшайди. Тўғрироғи пахта майдони.

Ариқда оқава сувлар «шилдирайди». Қачон тоза сув оққанлигини келинчак эслай олмайдими, кўрмаган. Лекин шу сувларни челақда тинитиб ичишини ақлини таниганидан бери билади.

Қаҳрамонларимиз эса тушлик ҳисобидан келишган, нон уздилару яна далага шошиладилар. Ҳақиқий, ўзбекона ҳаёт, манзара, турмуш тарзи.

Шунинг учун «XX аср ўзбеклари» деб номладик.

## Савоб

Яқинда узоқ сафардан Тошкентга қайтаётган эдик. Сирдарё кўпригига етай деганимизда, машинамизнинг бензини тугаб қолди. Тун, совуқ. Серкатизим йўлда туриб, қайси машинага қўл кўтариб ёлвормайлик, тўхтамади. Бу ҳолни англаш қийин эмас. Ҳар ҳолда, кимсиз ёбонда тўри келган кишининг ишорасига қараб, тўхтайвериш ҳам анча хавфли, дебман нотинч. Узоқ турдик. Болалар совуққа қотишиб йиғлашга тушдилар. Ниҳоят, бир оқ «Жигули» тўхтади. Ундан уч ойигит тушди. Улардан бири дарҳол машинасини юкхонасидан 20

## ҚОРА ТУНДА

литрлик тўнка жомни олиб, қўлимизга тутқазди. Тўла экан. «Ҳаммасини қуйиб олинглар!» деди. Тўрғиси, қувонганимдан кўзларимга ёш қалқди. Буни қарангки, ҳаяжон орасида сирдарёлик бу муруватпеша йигитларнинг исм-шарифини ҳам сўрашни унутибман. Аммо, машинасининг давлат рақами ёдимда: Д 07—33 СИ.

Раҳмат сизга, яхшилар! Йўлларингиз бехатар бўлсин!

Нуриддин ХУЖАНОВ, қурувчи муҳандис

## Ҳасрат

Урта мактабда тарих фанидан дарс бераман. «Улуғ Октябр» социалистик инқилобининг тарихий аҳамияти» ҳақида ўқувчиларга 30 соатдан кўпроқ «сабоқ» беришим керак. Дарсликларда ёзилганидек гапирадиган бўлсам, ёлгончилик бўлади. Чунки «буюк инқилоб»нинг қандай амалга оширилгани, дохийларимизнинг қилмиги-ю, бизга нималар ҳақ қилганликлари ойдинлашиб қолди.

Балки тарихшунослар, ҳамкасбларим айтар: нима қилай?

Улашмурод ҚИЕВОВ Қашқадарё

Бундан бир неча йил олдин бўлиб ўтган бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Ҳуффирироғи эр-хотин ўртасидаги турли жанжаллар, кўйди-чиқдиларни эшитсам, турмуш ўртоғидан норози бўлиб, идорама-идора ариза кўтариб юрган аёлларни кўрсам, нимагадир ўша воқеа ҳаёлимга келаверади.

Ушанда ўқишни битириб, чўлда — туман газетасида ишлардим. Туман янги, ишга келувчилар кўп бўлганлиги учун қурилган уйлardan бирини ёш мутахассисларга умумий ётоқхона сифатида беришди. Унда асосан бўйдоқ йигитлар, қизлар, оиласи узокда бўлган ёлғиз эркеклар туришарди. Тап-тақир саҳро, оғир меҳнат шароити, ишдан сўнг дам оладиган на бир томошагоҳ, на соя-салқин жой бор. Ана шундай шароитда ёлғизлик одамни не балоларга гирифтор қилиши мумкинлигини кўрганман. Ва шундай хулосага келганманки, жамиятимизнинг маънавий жиҳатдан айниб бораётганлигининг бош сабабларидан бири ёлғиз кишиларнинг кўпайиб кетаётганлигидир. Эндигина уйланган ёш йигит шаҳарда ё қишлоғидан узокда ишлаб, умумий ётоқда яшайди. Чунки қишлоғида унга бирон иш йўқ, оиласини олиб келаман деса, уй-жой йўқ. Эр сарсон, оила сарсон. Ҳафта-ой ўтказиб борса, бир дунё гина-қудурат. Еш оиланинг барбод бўлиши учун кулай муҳит бу. Фикримча, эрталаб уйдан чиққан эркек кечкурун, албатта, уйига қайтиши керак. Ана шунда эр-хотиннинг бир-бирига меҳри бўлакча бўлади. Ҳозир эр-хотин бир-биридан ажралиб яшашга мажбур экан, бунга биз яшаб турган мана шу норасо жамият айбдор.

Ётоқхонада қамашлик Мирзо исмли йигит биз билан ёнма-ён турарди. У баланд бўйли, оқиш юз, чиройли йигит эди. Қурилишда прораб бўлиб ишлар, хотини, болалари бўлса-да, негадир қишлоғига кам борарди. Эзининг охирларида Шаҳрисабздан Фазилат исмли ўқитувчи қиз йўлланма билан ишга келди. Фазилат унча чиройли эмас, кўзга ташланмайдиган оддийгина қиз эди. Ётоқхона йигитлари, жумладан, Мирзо ҳам унга дарров «дон сепиб» қуришди. Йўқ, Фазилат улар уйланган қизлардан эмас экан. Одобли, хушмуомала, очқинча. Яхши гапирсангиз ширин жавоб беради, ёмон сўз айтиб, тегажаклик қилсангиз, мулоимлик би-

лан қайтариб ташлайди. Унга хушомад қилиб, бирон нарсага эришолмаган йигитлар гоҳида алам билан, юпқага ўраб ташламангиз ит ёмайди-ю яна ноз қилганига ўлайми, дейишарди.

Қисқаси бирон йил яшаганимиздан кейин Мирзо билан Фазилат ўртасида самимий муносабат пайдо бўлганини кўпчилик сизди. Мен, Фазилатнинг эшиқдон ёнида Мирзонинг алламаҳалгача кутиб ўтирганини бир неча бор кўрганман. Аста-секин уларнинг муносабати жиддийлаша бошлади. Мирзо гоҳ-

сабатини сира қабул қила олмасди. Чунки бир қараган кишига улар бир-бирига муносиб эмасдек кўринарди. Мирзо ёш ва кўркам, Фазилат эса ундан катта кўринарди (аслида ҳам икки ёш катта эди) ва кўримсизроқ. Ҳатто меннинг ўзим ҳам бир марта Мирзодан «уйланмоқчимисиз?» деб сўраганман. Мирзо кулиб «Йў-е, шунчаки ўзим...» деган. Кейин маъжусланиб, қўшиб қўювди: «Билмадим, нимагадир, шу қизни кўргим, унинг хонасига киргим келаверади».

Бир дам олиш қуни теле-

буламан. Эшитишимча, қандайдир бир мегажин эримнинг бошини айлантириб юрганмиш.

Кейин Фазилатнинг хонасидан анча вақт унинг шаниллаган овози, кўпол сўзлар айтгани эшитилиб турди. Лекин бизнинг қулогимизга Фазилатнинг бирон оғиз гапи чалинмади.

Шундан сўнг Фазилат бирон ой кўринмай қолди. Бир оқшом навбатчиликдан қайтган, чойгумни кўтариб, емакхонага кирсам, не кўз билан кўрайки, Фазилат лойга ботиб кетган эркеклар этигини

ни эмас, балки фахрни кўрдим. Шунда ҳаёлимдан бир фикр кечди: «Бир аёл бўлса, шунчалик бўлар-да!» Йўқ, ҳурматли эркеклар, ҳиссиёта берилмаётган бўлсам, мени маъзур тутасиз, қайсингизнинг хотинингиз маст бўлиб келганингизда этигингизни ювиб қўйган!

Мен ақинда Мирзо билан Фазилатни Қарши шаҳридаги болалар истироҳат боғида кўриб қолдим. Улар ўғилчаларини етаклаб, сайр қилиб юришарди. Йўқ, мен уларга илгари эйтиб бермаган эканман, улар бир-бирларига жуда муносиб эдилар. Ичимда бу бахтиёр жуфтини чин дилдан табриклайман.

Бу урида мен асло Мирзонинг тутган йўлини — хотин, бола-чақасини ташлаб, бошқа аёл билан кетиб қолишини ёки Фазилатнинг оилани йигитни «йўлдан уриш»ни қўллаб-қувватламоқчи эмасман. Меҳрининг, аёл муносабатининг кучи нималарга қодирлиги ҳақида фикр юритмоқчиман, холос. Фазилат биллими, билмайми Мирзонинг севиб қолди. Унга бутун қизлик, аёллик меҳрини бағишлади. Йигитнинг нуқсонларини кўрмаганга олди. Борини оширди, йўғини яширди. Мирзо-чи? Уйдан, оиласидан совиб, кўнгли қолиб юрган меҳрга-зор йигит қизнинг қалбидан бошпана топди. Икки меҳрга ташна юрак бирлашди, қовушди. Айтшади-ку: йигит уйдан тополмаган нарчасини кўчадан ахтаради, деб.

Мен оддий бир журналист сифатида ҳузуримга эрининг устидан арз қилиб келган аёллар билан суҳбатлашаётганимда, ҳаммаша ўйлайман. Эрининг кўнглини ололмаган, таъбир жоиз бўлса, бошини айлантириб, сеҳрлаб ташлолмаган аёл аёлми? Йигитлар табиятан Золага ўхшайди. Уни алдаш, гапга кўндирши осон. Эркеклар кўнглига киришининг битта оддий шарт бор: ётиқдошингиздан меҳрингизни дариг тутманг.

Хуллас, азиз аёллар! Хонадонимда осойишталик, бахтиёрлик ҳўк сурсин, ҳаммаша севишли ёр бўлай десангиз, аввало ўзингиз меҳрли бўлинг. Ҳар қандай майда гина-қудуратни унутиб, оилангиздан, болаларингиздан меҳрингизни аманг. Ана шунда хонадонингиздан фазлу барак аримайди.

Абдуҷалол ҒАФФОР журналист Қашқадарё вилояти

## ЭТИК ЮВАЁТГАН



# А Ё Л

гоҳ Фазилатнинг хонасида тунаб қоладиган одат чиқарди. Ётоқхонадагилар уларнинг муносабатларини ўзларича шарҳлай бошладилар. Ёқимдир «Мирзо эрмак учун кўнглихушиққа юрибди-да», деса, бошқа биров бир йилдан буён бирон йигитга ақалли қўлини ҳам ушламаган Фазилатнинг оилани одам билан бу даражадаги муно-

ваз кўриб ўтирувдик. Ётоқхона эшиги шарақлаб очилиб, бола кўтарган хушрўйгина жувон кириб келди. Ҳаммамиз унга ўгирилиб қарадик. У замонавий кийинган ва жуда чиройли эди. Жувон салом-палом бермасдан, шахд билан эшиқдон Зулайхо опага ўгирилди.

— Мен Мирзонинг хотини

тозаларди. Унга ҳайрат блан тикилиб қолдим ва оғзимга келгани шу бўлди.

— И-е, Фазилат, нима қилясиз?

— Саломалайкум, — деди у. Кейин қўшиб қўйди. — «Хўжайин» ичиб келибдилар...

Унинг жавоби ниҳоятда табиий эди ва мен унинг кўзларида бу юмушидан уялиш-

### Ота-она ва фарзанд ўртасидаги махфийлик

Кексайганинг сари, фарзандларинг улғайгани сари ҳар бир босган изининг ўйлаб, одоб тарозисида минг бор ўлчаб босмоғинг лозимдир.

Расулиллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассалам айтадилар: «Эр ўз оиласига раҳбардир ва у оила аъзолари тарбиясига жавобгардир. Аёл киши эрининг уйидаги бекасида. Фарзанд отасининг молини бошқарувчидир ва бошқаришда жавобгардир...»

Фарзандинг (сенинг) тилинг билан сўзлашишга тақлид қилади. Сен бажарган ишни бажармоққа ундайди, Хулоса шулким, хунук фазилатлардан тезроқ воз кеч! Илло, мурғак кўнглида ёмонлик уруғлари ниш уриб, илдиз отмасин...

Абу Толиб ҳазратлари шундай ривоятни келтирадилар.

Хушфелъ ва хушхулқи билан эл назарига тушган бир кишининг балогатга етган фарзанди бағоят кўрс ва оғзи, юриш-туриши бағоят бузуқ бўлиб вояга етди. Ота нуфузли

обрўга эга бўлганлиги туфайли фарзанднинг номақбул қилиқлари ҳақида унга ҳеч ким ҳеч нарса демабди. Ушал кишининг муҳаддис дўсти бўлиб, ошнасининг ўғлини ёнига

Абу Лайс Ас-Самарқандий

## БЎСТОН УЛ-ОРИФИН

чақириб: — Сен ёмон қилиқларинг билан келажатингга болта уряпсан, отанг обрўсига пугур етказяпсан, — дебди. Уғил ажабланиб:

Фарзанд бу саволга жавоб бермабди. Орият йўл қўймабди.

Муҳаддис йигитга шундай насиҳат қилибди:

— Уғлим, отангдан катта хато

ўтибди. Эр ва хотин ўртасидаги маиший мулоқотдан улар ўртасидаги махфий (шахвоний) сирдан фарзандлар зинҳор-базинҳор воқиф бўлмаслиги керак... Қуш уясиди кўрганни қилади, деган нақлни асло унутма!

Расулиллоҳ насиҳатлари қулогингга кўрғошиндай қуюлсин:

— Мўминларнинг мусулмончилиқиди афзали мусулмонларга қўлидан ва тилидан озор етказмаган кишидир. Мўминларнинг имонда афзалроғи хушхулқисидир. Аллоҳ учун ҳижрат қилувчиларнинг афзалроғи Аллоҳ ман қилган нарсаларни тарк этувчидир. Жиҳоднинг афзали Аллоҳ йўлида киши ўз нафсига қарши курашувчидир!

Нашрга тайёрловчи Музаффар МИРЗО

(Давоми бор, Боши ўтган сонларда).

Англия разведкаси айдоқчилари Давлат Хавфсизлиги қўмитаси ходими Олег Гордиевскийни Русиядан яширинча олиб чиқиб, кетишди. Унинг аёли Лайло эса тақдир ҳўқимга ташланганча қолаверди. Ниҳоят, орадан олти йил ўтиб, у эри билан топшиди. Аммо, ҳали ҳам Москвани севади. У Питер Миллерга шу ҳақида гапириб берди.

«Санди таймс» рўзнотасидан

Лайло — қирқ ёшлар чама-сидаги мафтункор аёл. ДХҚдагилар эри билан ажралишга мажбур қилишгандан буён отасининг исмига ўтган, яъни Алиева. Гарчи у эрини жуда кўргиси келса ҳам, ҳозирча бирор масалани ҳал қилмайлик, деди. «Менинг уй-жойим шу ерда. Уз уйининг бир қисмини Англияда ўтказамиз, аянам ким биларди, дейсиз». Лайлонинг фикри ҳозирча шундай. Аммо бир нарса аниқ. Гордиевский энди Москвага қайтиб келмайди. Ҳеч бўлмаганда, шу яқин орада қайтиб келмайди.

Гордиевский ДХҚнинг Лондонда иш олиб борувчи жосуси эди. Аммо, у икки кема-нинг бошини тутиб, англия разведкаси фойдасига ҳам ишлай бошлади. 1985 йилнинг майида маслаҳатли иш бор, деган баҳонада Москвага қақиртирилади. Аслида, ундан шубҳаланганлари учун ҳам қақиртиришган эди. Лайлога унинг юраги безовта бўлаётганини ва шунинг учун Москвада қолиб, даволанишга қарор қилганини айтишди. У қизчаларини олиб, Лондондан Москвага, эрининг ёнига қайтиши лозим эмиш. Лондондаги Совет элчихонаси кўчаларини саранжомлашга ва жўнатишга ёрдам берармиш. Москвага қайтганларида ҳамма иш жойидадек бўлиб кўринди. Лайло ва Олег яна ўзларининг аввалги хонадонларига жойлашишди. Уша пайтда уларнинг биринчи бор Копенгагенда учрашиб, (Лайло уша ерда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотида ишлар эди — таржимон эслатмаси) турмуш кўрганларига олти йил тўлган эди. Ёзда Лайло болаларини олиб, отасининг олдига, Каспий-бўйига — Бакудан сал жанубга кетди. Олег бир неча кун даволаниб келиш учун санаторияга жўнади. Аммо, кутилмаганда бирдан кўнгирак қилиб, уларнинг ёнига бормоқчи эканини айтиб қолди. «Мен аввалига уни аврамоқчи бўлиб кўрдим, яъни сен жуда таъсирчансан. Озорбойжоннинг об-ҳавоси эса сенга мос эмас ва ҳақозо. Лекин у, гарчи бошқа режалари борлиги аниқ бўлсада, ўз сўзида туриб олди. Лекин Бакуга келмади. Мен Москвага кўнгирак қилиб кўрдим, ҳеч ким жавоб бермади. Шунинг учун тайёрагоҳга жўнадик. Патта сотиб олиб, учиб келсак, ҳамма нарса жойида, аммо Олег йўқ эди. Бир кун кутдим, йўқ, икки кун кутдим йўқ. Ниҳоят, шанба ақшанбадан кейин ўз бурчимни бажардим — унинг ғойиб бўл-

ганини айтиб, ишхонасига, кўнгирак қилдим.»

«Улар ташвишланманг, деб жавоб беришди. Эҳтимол қаёққадир тентираб кетиб қолгандир, эҳтимол ёлларга илакишиб қолгандир, дейишди». Лайло кулимсираб жавоб беради: «Унақага ўхшамайдиёв. У жуда саришта одам, ўзининг саришталигидан худди болалардек завқ олади. Агар бир соату уч дақиқадан сўнг келаман, дедими, албатта шундай қилади.»

У кейинги ҳафтада ҳам келавермагач, чинакамга ташвишланиш бошланди. Маълум бўлишича, Олег қочиб кетган экан. «Улар менга Олег СССРда эмас, дейишди. Бошида мен нимага ва кимга ишонини ҳам ҳайрон эдим. У аллақачон жонсиз ёки Мубянқада ҳибсда ўтирган бўлиши ҳам мумкин эди.»

Кейин терговчилар келишди. ДХҚнинг тўрт зобити иккита «жонли гувоҳ ҳузурида аввал уйни тинтув қилиб чиқишди. «Улар, — деб эслади Лайло, — бор техника — приёмник, видео кассеталар, сиёсий мундарижаси шубҳали китоблар — ҳаммасини олиб кетишди. Ҳаммаси жуда синчковлик билан рўйхатга олинди. Кейин улар мени саволга тутта бошлашди. Толени қарангки, Олег ўзи қилиб юрган ишлар ҳақида менга ҳеч вақт гапирмас эди. Яхшиям гапирмаган экан, дейман ўзимча. Мен ҳеч нарса билмас эдим. Улар мабодо эринингнинг қочиб кетишини билганингизда нима қилган бўлардингиз? Бизга хабар қиларингиз, деб сўрашди. Мен: «Йўқ, бирданги хабар қилмас эдим», деб жавоб бердим. Мен унга уч кун муҳлат берардим ва шундан кейингина ДХҚга хабар қилган бўлардим. Терговчи яхши одам экан. Бироз ўйлиниб турди-да, бу гапни протоколга ёзмаслигини айтди, чунки бунинг оқибати мен учун яхши бўлмас эди.»

Кейинги бир неча ҳафта давомида таниш-билишлар Олег ҳақида кўргазма бериш, учун қақиртирилди. «Биз билганларнинг ҳаммасини ҳатто у билан бир бор мулоқотда бўлган кишиларни ҳам терговга қақиртиришди». Ошна-оғайнилари уларни қақиртиришганларини айтиб, кўнгирак қилишар эди. Кейинчалик эса бу кўнгироқларга ҳам барҳам берилди.

«1985 йилнинг 14 ноябрида улар Оленининг мол-мулкни мусодара қилиб, ўзини эса ўлимга маҳкум этишди.»

Лайло ва унинг икки қизи дастлабки кунлари шунчалик қийналишдики, асти қўяверасиз. ДХҚда аввал Олег уйланган, сизни аллақачон унутиб юборган, дейишди. «ДХҚ хо-

димлари калтак ёхуд пулемётдан фойдаланмасдан туриб ҳам қандай ишонтиришни билишарди. Сўнг мен шундай дедим: «Дуруст, бу бўлиши мумкин. Аммо менга руҳсат беринглр, шу гапларини унинг ўз оғзидан эшитай». Мен унинг ўз фарзандларини қачондир унутиб юборишини ҳеч бир тасаввур қилмас эдим, бунга ишонмас ҳам эдим.»

Унга эрингиз билан расман ажралишинг, яна отангизнинг номига ўтинг ва бу шармандачиликдан қутуласиз-қўясиз, дейишди. У рози бўлди ва шу тариқа Совет давлатининг қўлига бир парча қоғоз ёзиб берди. Энди бу қоғозга биноан у инсон ҳуқуқлари ҳақида халқро ҳужжатда кўзда тутилгани каби эрининг ёнига бориш учун чет элга виза сўрашдан маҳрум бўлган эди. «Мен қайдан билибман, бу шунчаки бир қоғозда деб ўйлабман. Улар мен эрим билан ажралишсамгина бизни тинч қўяжақларини айтишди. Мен болаларимни асраб қолиш учун ҳамма чораларни кўрдим. Қиллари эса оталари узоқ сафарга кетиб, Лондонда ишлаётир, деб ўйлашарди.»

гани ҳақида ёзган эди. Қанча ҳафталар ўтгунча билмадим хатни ҳар кун беш марта ўқиб чиқар эдим». У чет элга тамомила эмас, маълум муддатга жавоб беринглр, деб уч бор муурожаат қилди. «Аммо, — деб эслади яна Лайло, — жавоб бир хил эди. Айтганча, ўша қоғозни, ҳануз асраб келаётирман. Унда ёзилишича, мен давлат сирларини билар эмишман, шунинг учун мен ҳорижга боролмас эканман». У Гордиевскийдан яна бир хат олди ва кейин ниҳоят, уч йилдан ошиқ вақтдан сўнг биринчи бор сизда унинг овозини эшитди. Кейин тез-тез сиз қоқишадиган бўлишди. «Авал ойига бир мартадан, сўнг уч ҳафтада бир мартадан, бориб-бориб ҳафтасига бир марта гаплашар эдик, энди эса у менга бир кунда икки марта кўнгирак қилади.»

Улар Оленининг ниқобла-ниш учун соч қийиб, соқол ёпиштириб тушган суратини кўришди. «Албатта, биз унинг мана шундай ниқобли суратини рўзноталарда кўр-ганмиш». Ушанда Маша ва Аня бир-бирига қараб, хандон отиб кулишган. «Ҳа, ишонаверинг, у жуда кулги-

да хавфли кимса деб эълон қилишди ва 24 соат ичида мамлакатни тарк этишни талаб қилишди. Шунинг сизиники, мен нимага яқин борсам, ўша нарса кулга айланиб, йўқ бўлиб кетаётгандек эди.»

Унга бошқа ҳеч қандай расмий хабар келмади. Аммо шу йил августининг адоғида Англия элчиси Родриг Брейтвейт сиз қоқди ва умидсизликка тушмаслигини сўради. Икки кун ўтиб у яна сиз қоқди: у жўнати мумкин эмиш. Норва ва Жон Мейд-жорлар Москвада бўлганда улар билан учрашишга таклифнома келди.

Яқиндагина, Горбачёвга қарши фитна ҳақидаги ияк хабар тарқатгандан сўнг Лайлони ҳафсаласи пир бўлган эди. «Олег ғойиб бўлганда мен бу Худонинг шафқатсиз жазоси бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Аммо 19 августда мени энди Худо урди, дея баттар даҳшатга тушдим. Бу даҳшатли, қўрқинчли бир талмовсираб эдик, у бутун вужудимни қамраб олди.»

У ўз оиласи билан бир ҳафта давомида Бакунинг тепасидаги тоғда яшади.

## «НИМАГА ВА ҚИМГА ИШОНИШГА ҲАЙРОН ЭДИМ»

1987 йилнинг декабрида Лайло биринчи марта Гордиевскийнинг ўзидан хат олди. «Олег хатни Англия Ташқи ишлар вазирлигига берган экан, улар СССР ТИВга жўна-тамиз, деб, Англиянинг Москвадаги элчихонасига юборишган. Бизнинг Ташқи ишлар вазирлигимиз, шубҳасиз, хатни ДХҚга берган. Аммо, охир-оқибатда хат менга теғди. Эрим бизнинг у билан топшишимиз масаласини ҳал қилиш учун бор вужуди билан ҳаракат қилаёт-

ли кўринар эди. Фараз қилишмича, улар гўёки шу нарса фойда беради, деб ўйлашса керак, аммо мен бунга ишонмайман.»

Унинг «ошкоралик» даври шўро матбуотида хизмат қиладиган журналист ҳамкасба-ларидан бирортаси ҳам ҳолинг не деб сўрагани йўқ. Англия элчихонасидан ҳам 1989 йилгача унингга ҳеч ким қадами теғмади. «Бир кунги бир одам (Родерик Лайн) келиб, бир-икки соат ўтириб кетди. Шундан сўнг уни тез-

Телевизордан кўз узмади. Москва ва Ленинградда ўйнаётган ва чекка-чеккада қисман акс-садо бўлаётган бу фожиа унинг ҳаётини остин-устун қилиб юбориши ҳеч гап эмасди. У бу нарсани жуда яхши тушунарди.»

«Асосий масалалар яхши ҳал бўлдики, энди бу ёғи ҳеч гап эмас. Биз ютиб чиндик. Энди ҳаммаси яхши бўлади. Бизнинг Шарқда айтишганидек, иншоолло, Худонинг айтгани бўлади.»



МУСЛИМА.

суратчи: Шербек ИБРОҲИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Жуманазар БЕКНАЗАРОВ  
Муҳаббат ИБОДОВА  
Муассар ХАНСУР  
Тўлқин ҲАЙИТ  
(масъул котиб).

«Семья и общество»  
Издается на узбекском языке  
Буюртма 5971  
Обуна индекси 64654

● Муҳарририятга келган мақолалар машинкада ёзилган, икки оралиқда олти бетдан ошмаслиги лозим.

МУАССИС:  
Ўзбекистон  
Болалар жам-  
фармаси.  
2) минг нусхада чоп этилди.

Манзиллимиз:  
700029. Тошкент — 29,  
Намоийшлар хибонни,  
1-бино.  
Телефонлар:  
Бош муҳаррир —  
39-13-59,  
бўлим — 39-43-95